

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТАШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат
педагогика институти ректори
Г.И. Муҳамедов



“МАВКУЛЛАНДИ”
Ўзбекистон Республикаси
ВМ хузуридаги Олий Аттестация
Комиссияси раиси А.Т. Юсупов



13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи
ихтисослиги бўйича малакавий имтихон

ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси Раёсатининг 2019 йил
“28” март №263/4 -сонли қарори билан тасдиқланган

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, мамлакатимизда таълим жараёнини ривожлантириш мақсадида белгиланган концептуал ғоялар мазкур тадқиқот учун илмий методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги даврда педагогика фани педагогик маданиятни ривожлантириш, уларда янги тафаккурни таркиб топтириш, умумий касб тайёргарлигини таъминлашга йўналтирилган.

Педагогика назарияси ва тарихидан педагогик маълумотга эга ҳар бир талабгор, қайси фан мутахассиси бўлиб етишишидан катъий назар ўқув-тарбиявий фаолиятни муваффақиятли олиб бориши учун зарур бўлган педагогик билимлар ва кўникмаларнинг умумий ҳажмини, умумқасбий ва шахсга йўналтирилган таълим талабларини билишлари лозим.

Педагогика тарихи талабгорнинг умумпедагогик билим даражасини, педагогик меросимизга ҳурмат билан муносабатда бўлишини аниқлайди. Таълим ва тарбия назарияси ва амалиёти, тарбия ва таълим, унинг ривожланиш жараёни жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши ва ҳар бир тарихий босқичда илмий билимлар даражаси билан боғлиқлиги тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилади. Бунда педагогиканинг ижтимоий тараққиёт талабига жавоб берганлиги, илмий тараққиёт бир бутун тарбия назарияси ва амалиёт экани ҳисобга олинган. Таълим амалиёти, шунингдек, таълимдаги ютуқларнинг муҳимлиги ҳам назарда тутилади. У ёки бу педагогик концепциялар, таълимотларни тавсифлаганда шу таълимотлар ижодкорининг ҳаёти ва фаолиятидаги энг муҳим воқеаларни асос қилиб олиш назарда тутилган.

Дастур педагогика тарихини кишилик жамиятининг тараққиёти тарихи билан узвий алоқада баён этишга мўлжалланган. Педагогик фикр ривожланишини изчил ўрганиш бўлажак мутахассисларга ҳозирги даврда ўтмишнинг илгор педагогикасининг узвий давоми эканлигини кўрсатиш келажак маориф ва педагогика тараққиёти йўналишларини англаб олишга ёрдам беради.

“Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент” фанининг мақсад ва вазифалари:

– талабгорларни замонавий педагогика фанининг назарий асослари билан қуроллантириш;

– “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш шароитида уларда таълим самарадорлигини ошириш учун зарур кўникмаларни ҳосил қилиш;

– педагогик тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш;

– педагогик фикрлаш қобилиятини таркиб топтириш;

– “Таълимнинг педагогик қонуниятлари ҳамда тамойиллари”га мос ҳолда тегишли қарорлар қабул қилиш;

– Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний, Ян Амос Коменский, К.Д. Ушинский ва бошқа мутафаккирларнинг таълимий-ахлоқий, умумбашарий кадриятлари, “Қуръони Карим” ва “Ҳадиси Шариф”да ҳамда мамлакатимизнинг биринчи президенти И.А. Каримовнинг нутқларидаги умуминсоний ва маънавий-ахлоқий тамойилларни билиш;

– ҳозирги замон таълим технологияларини билиш ҳамда уларни амалиётда қўллай олишдан иборатдир.

“Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент” фанидан билим ва кўникмаларга қўйиладиган талаблар

“Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент” ўқув фанини ўрганиш жараёнида қуйидаги педагогик тушунчаларни билиш ва кўникмаларга эга бўлиш зарур:

– таълим-тарбия ишларини мустақиллик ғояларидан монанд ҳамда педагогик

конуниятлар ва тамойилларга уйғун ҳолда ўтказиш;

– педагогик фаолиятни режалаштиришда истикболни кўзлаб мақсад, вазифаларни белгилаш;

– амалиётда ўқитиш ҳамда маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг асосий шакллари кўллаш;

– амалиётда ўқитиш ва маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг қулай метод ва воситаларини кўллаш, маълум вазиятларда улардан тўғри фойдалана билиш;

– таълим жараёнини замонавий педагогик технологиялар, шунингдек, Шарқ ва Ғарбнинг илғор педагогик тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

– ўз олдига қўйган вазифаларни тўғри бажарилишини таъминлаш;

– шахс фаолияти ва хулқини рағбатлантириб бориш;

– педагогик вазиятлар, таълим ва тарбия натижаларини таҳлил эта олиш, жамоани ўрганиш; ўзлаштирмаслик сабабларини, камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун самарали тадбирларни белгилаш;

– ўз билимини ошириб бориш, амалиётда педагогика фани ютуқлари, илғор тажрибаларидан фойдаланиш, қулай педагогик тадқиқотлар ўтказиш, педагогик фаолиятида юзакичилик ва бир қолипда ишлашга йўл қўймай, ишга ижобий муносабатни намоён этиш;

– гуруҳ раҳбарлиги ва тарбиячи-мураббий вазифаларининг самарадорлигига эришиш, ота-оналар, маҳалла, жамоатчилик билан ўзини ўзи бошқаришни ташкил этиш.

Талабгор “Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент” фанини ўрганиш давомида замонавий таълим технологияси, компьютер, ахборот технологияси, педагогик вазиятларни моделлаштириш, педагогик мазмундаги амалий, илмий тадқиқот топшириқларини бажара олишини намоён эта олишлари зарур.

Дастурда “Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент” дан консултациялар 32 соатга мўлжалланган.

Консултацияларда дастурнинг мазмунига киритилган айрим мавзулар муҳокама этилади, мунозаралар ўтказилади, талабгорларнинг ахборотлари эшитилади.

Талабгорнинг умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи фанларидан ўрганилиши зарур бўлган минимум билимлар мазмуни:

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида педагогика фани ва унинг жамиятда тутган ўрни ҳақида. “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг касбий таълимида тутган ўрни.

Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва унинг асосий таркибий қисмлари:

– шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

– давлат ва жамият - давлат ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширади ҳамда фуқароларнинг умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим турларини олиш ҳуқуқини кафолатлайди;

– узлуксиз таълим ва унинг фаолият кўрсатиш принциплари таълимнинг устуворлиги, таълимнинг демократлашуви, таълимнинг ижтимоийлашуви, таълимнинг миллий йўналтирилганлиги, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, ҳар томонлама комил инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги, иқтидорли ёшларнинг рағбатлантирилиши;

– узлуксиз таълим тизими ва турлари; мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим;

– фан - табиат ва жамият таракқиёти ҳақидаги янги фундаментал ва тадқиқий

билимларни шакллантириш, юкори малакали илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш соҳаси сифатида;

– ишлаб чиқариш - кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жихатдан таъминлаш жараёнининг катнашчиси.

Педагогик касби. Педагогик касбининг пайдо бўлиши ва равнақ топиши. Шарк мутафаккирлари (ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ва бошқалар) ва Ғарб педагоглари жамиятда педагогик касбининг тутган ўрни ҳақида.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А. Каримов демократик-хуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти куришда, баркамол шахсни шакллантиришда тутган ўрни ҳақида. 2010 йил “Баркамол авлод йили” дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни (1997 йил) таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақида.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида баркамол шахсни шакллантиришга қўйилган талаблар. Ўқитувчи-мураббийнинг ўзига хос фазилаглари, илмий дунёкараши ва инсонпарварлиги. Унинг ижтимоий-педагогик нуқтаи назари, баркамол авлод тарбияси учун ўқитувчи-мураббийнинг жамият олдидаги масъулияти, унинг касбий билим ва кўникмалари. Педагог истеъдоди ва қобилияти. Ўқитувчи-мураббийнинг педагогик ахлоқ-одоби ва назокати, унинг ўқувчилар, ота-оналар ва ҳамкасблари билан мулоқоти.

Педагогик маҳоратни эгаллаш йўллари: Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Ян Амос Коменский, Лев Николаевич Толстой, Абдулла Авлоний, Шақурий ва Бехбудий каби буюк шахсларнинг илмий салоҳияти ва педагогик маданияти. Уларнинг педагогика фани ва маориф ривожига қўшган хиссаси.

2. Педагогика фан сифатида. Унинг предмети, мақсад, вазифа ҳамда категориялари. Педагогик тадқиқот методлари. Педагогика ижтимоий фан сифатида. Унинг жамият тараққиётида тутган ўрни, ривожланиш босқичлари ва илмий-назарий, амалий истиқболни белгилаш вазифалари.

Педагогика фанининг асосий категориялари ва тушунчалари тарбия, таълим (ўқитиш, ўқиш), маълумот, билим, кўникма ва малакалар, ривожланиш.

Педагогика фанининг тузилиши. Педагогика фанининг тармоқлари. Педагогиканинг фалсафа, социология, психология, физиология, медицина ва бошқа инсоншунослик фанлари билан алоқаси. Педагогика фанлари тизими.

Асосий педагогик жараёнлар ва уларнинг бир бутунлиги, педагогик жараёнларни тадқиқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Илмий педагогик тадқиқотларнинг назарий ва амалий жихатлари.

Педагогика фанининг илмий-тадқиқот методлари ва уларнинг тавсифи. Назарий тадқиқот методларининг қиёсий-тарихий таҳлили, қиёсий таққослаш, умумлаштириш, моделлаштириш ва бошқалар. Амалий тадқиқот методлари илмий кузатиш, суҳбат, интервью, сўровнома, тест, рейтинг, статистик таҳлил, ҳужжатлар таҳлили, илмий тажриба, илмий тажриба синови (табиий, лаборатория, амалий ва бошқалар). Тажриба-синов ишлари ва уларни кузатиш методикаси.

3. Шахснинг ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашуви. Педагогик антропология. Шахс ҳақида тушунча. Индивид - шахс, шахснинг ўзига хослиги.

Шахс ривожланишининг биологик ва ижтимоий асослари ҳамда жихатлари. Шахс ривожланиши ва тарбиясининг ўзаро уйғунлиги.

Бола шахси - тарбия объекти ва субъекти сифатида. Шахс фаолияти. Ўқувчи-ёшларни ёш хусусиятларига кўра даврларга бўлиш.

Ижтимоийлашув жараёнида шахснинг шаклланиши.

4. Тарбия мақсад ва вазифалари. Тарбия мақсади. Тарбия мақсадининг хилма-хиллиги. Ҳозирги демократик жамиятда ҳар томонлама ривожланган, мустақил фикр

юритадиган эркин шахсни шакллантириш тарбия мақсади сифатида. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А. Каримов мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий илдизлари ҳақида.

Шарқ мутафаккирлари (Фаробий, Беруний, ибн Сино, Жомий, Давоний, Навоий, Авлоний ва бошқалар) баркамол шахс тарбияси ҳақида.

Тарбия вазифалари ва мазмуни шахснинг миллий ва умумбашарий кадриятларни ўрганиши, унинг интеллектуал (ақлий), фуқаролик, маънавий-ахлоқий, жисмоний, меҳнат, иқтисодий, экологик, эстетик тарбияси ҳақида.

Хорижий мамлакатлар тарбия концепциясининг асосий ғоялари.

5. Дидактика - таълим назарияси сифатида. Таълим парадигмалари. Таълим ва ўқитиш назарияси (дидактика) - педагогика фанининг таркибий қисми ҳамда маълумотли бўлиш - маънавий-амалий фаолият жараёни сифатида. Унинг жамиятда тутган ўрни. Дидактиканинг вазифалари ва аҳамияти, асосий тушунчалари. Ҳозирги давр дидактика ривожланишининг асосий йўналишлари (концепцияси). Узлуксиз таълим концепцияси. Ўрта махсус ва касб-хунар таълими концепцияси. Ривожланувчи ва тарбияловчи таълим концепцияси. Уни ҳозирги давр педагогикасида амалга оширишга турлича ёндашувлар. Ўқув жараёнини “технологиялаштириш” концепцияси. Унинг ижобий ва салбий томонлари. Ҳозирги давр дидактикаси тизимлари (анъанавий ва “замонавий”). Ҳозирги давр педагогикасида таълим парадигмалари анъанавий-консерватив, илмий, инсонпарварлашган (мантқиқий), рационалистик (бихевиористик), технократик, эзотерик. Замонавий дидактик тизимлар тўғрисида тушунча.

6. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим тамойиллари. Таълим жараёни моҳияти. Таълим жараёнининг ягона тизим сифатидаги таснифи.

Таълим - борлиқни билишнинг ўзига хос шакли сифатида. Ўқитиш ва ўқиш жараёнлари тавсифи, уларнинг таълим жараёнидаги ўзаро алоқаси. Шарқ (ал-Фаробий, Беруний, ибн Сино) ва Ғарб мутафаккирларининг гнесеологик ғоялари (карашлари) таълим жараёнининг асоси сифатида. Таълим жараёнида ўзаро алоқа ва болаларнинг ривожланиши. Ўқитишнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларининг бирлиги. Ўқувчи-ёшларнинг ўқув фаолияти ва унинг тузилиши. Тарбияланувчиларнинг репродуктив ва ижодий билиш фаолияти. Билимларни ўзлаштириш, кўникма ва малакалар жараёни ҳамда шахснинг ривожланиши. Таълим жараёнини ташкил қилишда тарбиячилар йўл кўядиган хатолар ва уларнинг олдини олиш.

Таълим қонуниятлари ва тамойиллари. Уларнинг психологик ва физиологик асослари. Шарқ мутафаккирлари таълим тамойиллари ҳақида.

7. Таълим методлари ва воситалари. Таълим методлари ва усуллари ҳақида тушунча. Ҳозирги замон дидактикаси ва хусусий методикасида таълим методларини тавсифлашга турлича ёндашувлар. Айрим таълим методларининг тавсифи. Шарқ мутафаккирлари (Фаробий, Хоразмий, Беруний, ибн Сино ва бошқалар) таълим методлари ҳақида. Турли ёш гуруҳларида таълим методларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Таълим мазмунининг ўзига хос хусусиятлари ва ўқувчиларнинг билиш фаолияти, ривожланиш даражасига кўра таълим методларини фаоллаштириш йўллари. Таълим методларини такомиллаштириш. Педагогика тажрибасида таълим методлари самарадорлигини ошириш йўллари.

Таълимнинг техникавий воситалари, компьютерлар ва турли аудиовизуал воситалардан фойдаланиш имкониятлари.

8. Таълимни ташкил этиш турлари ва шакллари. Таълимни ташкил этишнинг асосий шакллари. Таълим турлари: иллюстратив (анъанавий); проблемали (муаммоли); программалаштирилган таълим.

Таълимни ташкил этиш ҳақида тушунча, унинг хилма-хил турлари. Таълим мақсади ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқув ишларининг турли шаклларида фойдаланиш. Таълимни ташкил этишнинг анъанавий шакли. Дарс типлари ва тузилиши. Ҳозирги замонда дарс ва дарсларни модернизациялаш йўллари. Дарсда ўқувчилар

Ўқув фаолиятини ташкил қилишнинг ялпи, гуруҳли ва якка тартибдаги шакллари уйғунлаштириш. Таълимни ташкил этишнинг ноанъанавий шакллари; ўқув диалоги, мунозара, дидактик (ишбоп, ролли) ўйинлар, тренинг, пресс-конференция, ўткир зехнлилар клуби, мусобақа дарслари, аукцион, “муъжизалар майдони”, “терговни билимдонлар олиб боради”, байт-барак ва бошқалар.

Маъруза ва семинар машғулоти, консультациялар, экскурсиялар, практикумлар, конференциялар.

Ўқувчиларнинг уй вазибалари, уни ташкил этиш мазмуни ва методлари. Таълим шакллари ривожлантириш истиқболи.

Ўқув ишларини ташкил этишнинг дарсдан ташқари шакллари: фан тўғараклари, илмий жамиятлар, олимпиадалар ва бошқалар.

Ўқитувчи фаолиятида, ўқув ишлари турли шаклларининг ўзаро алоқадорлиги.

9. Тарбия жараёни моҳияти ва мазмуни. Тарбия тамойиллари. Тарбия жараёни тушунчаси ва тузилиши. Педагогик жараён қонуниятлари.

Тарбия жараёни моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. Тарбия жараёни тизими ва тузилиши ҳамда унинг қонуниятлари.

Тарбия жараёни мазмуни ҳамда тарбияланганлик мезонлари.

Тарбия тамойиллари. Унга қўйиладиган талаблар тавсифи. Тарбиянинг ижтимоий йўналганлиги ва яхлитлиги; тарбиянинг ижтимоий ҳаёт, меҳнат фаолияти билан алоқадорлиги; ҳар бир ўқувчи шахсининг ўзига хос ва шахсий муносабат ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олиш. Тарбиявий таъсир этишда ягона талаб ва уйғунлик.

10. Болалар тарбия жамоаси - ягона педагогик жараённинг асосий шакли.

Мустақил фикрловчи эркин шахсни шакллантириш - таълим ва кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий мақсади сифатида.

Шарқ мутафаккирлари (Фаробий, Беруний, ибн Сино, Навоий, Авлоний ва бошқалар) баркамол шахсга хос фазилатлар ҳақида.

Шахсининг бошқалар билан мулоқот қилишга эҳтиёжи. Шахсининг жамоада қарор топиши.

Жамоа ҳақида тушунча. Шарқ мутафаккирлари жамоа ва унинг шахсга таъсири тўғрисида. Жамоанинги педагогик вазибалари. Жамоанинги турлари. Болалар ва ёшлар жамоасининг белгилари ва тузилиши. Жамоанинги таркиб топиш механизми босқичлари. Ўқувчи-ёшлар уюшмаларига педагогик раҳбарлик.

11. Тарбиянинг умумий методлари. Тарбия методлари ҳақида тушунча. Тарбия методларининг мақсади, принциплари, мазмуни ва ўқувчиларнинг ёш, ўзига хос хусусиятларига, тарбияланганлик даражасига боғлиқлиги.

Ўзбек халқ педагогикасида тарбия методлари. Тарбияда ибрат-намуна кўрсатишнинг туган ўрни. Ишонтириш методлари, ҳикоя, мунозара, суҳбат, маъруза ва бошқалар. Тарбия усуллари: муҳокама, ишонч билдириш, тушуниш, ҳамдардлик билдириш, рағбатлантириш танқид қилиш ва бошқалар.

Ижтимоий хулқ-атвор тажрибасини шакллантириш методлари: Болалар ҳаётини уюштириш ва улар билан ҳамкорлик қилишнинг моҳияти. Жамоа истиқболи, ўйин, ягона талаблар, ўзини ўзи бошқариш, мусобақа, ўз-ўзига хизмат ва бошқалар.

12. Илмий дунёқарашни шакллантириш ва ўқувчиларни ақлий тарбиялаш. Илмий дунёқараш, тафаккур ва миллий мафқурани шакллантириш ўқув-тарбия жараёни мақсади сифатида. Ақлий тарбия ва илмий дунёқарашнинг асосий белгилари ва моҳияти. Илгор илмий дунёқарашнинг асосий таркибий қисмлари: илмий қараш, эътиқод, илмий тафаккур.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва биринчи президент И.А. Каримов асарларида ёшларнинг ақлий камолоти, тафаккури ва илмий дунёқарашига қўйилган талаблар.

Шарқ мутафаккалари (Форобий, Беруний, ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Накшбандий, Навоий ва бошқалар) илмий билим ва ақлий тарбияни ташкил қилиш, унинг мазмуни ва методлари ҳақида.

Ақлий тарбиянинг вазифалари ва мазмуни. Билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиши - ақлий тарбия асоси сифатида. Ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланиши. Умумий таълим фанларини ўқитишда ақлий фаолият маданияти, кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Иқтисодий тарбия ўқувчиларда илмий дунёкарашни шакллантиришнинг таркибий қисми сифатида. Бозор муносабатлари ҳамда иқтисодий ислохотлар шароитида тарбиянинг вазифалари ва мазмуни.

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А. Каримов жамиятни янгилаш шароитида иқтисодий тамойиллар ҳақида. Дарс, дардан ташқари машғулотлар ва оилада иқтисодий тарбия.

Экологик тарбия ўқувчилар дунёкарашини шакллантиришнинг таркибий қисми сифатида. Экологик онг ва маданиятни шакллантириш. Дарс ва дардан ташқари машғулотлар ҳамда оилада экологик тарбия шакл ва методлари.

13. Фуқаролик тарбияси. Шахсни шакллантириш, камол топтириш жараёнида фуқаролик тарбиясининг вазифалари ва мазмуни. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Ўзбекистоннинг биринчи президенти И.А. Каримов асарларида ёшларнинг фуқаролик тарбияси “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устивор мақсадимиздир” мавзусидаги маърузаси.

Фуқаролик тарбиясининг вазифалари таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи. Фуқаронинг етуқлик мезонлари. Ўқувчиларни фуқаролик руҳида тарбиялашда давлат рамзларидан (Ўзбекистон Республикаси мадҳияси, Ўзбекистон Республикаси герби, Ўзбекистон Республикаси байроғи) фойдаланиш. Фуқаролик тарбиясининг умуминсоний жиҳатлари; тинчликни сақлаш, экологик муаммолар, тинчлик ва жаҳон бадий маданиятини сақлаш, иқтисодий, илмий, маданий ҳамкорлик.

Ватанпарварлик ва байналминаллик - фуқаролик тарбиясининг асослари. Биринчи президент И.А. Каримов асарларида ватанпарвар ва байналминал тарбияга қўйилган талаблар “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” мавзусидаги маърузаси.

“Ватанпарварлик” тушунчасининг моҳияти. Шарқ мутафаккирлари (Форобий, Беруний, ибн Сино, Навоий, Авлоний ва бошқалар.) ватанпарварлик тарбияси ҳақида. Ватанни севмок - иймондандир. “Байналминаллик” тушунчасининг моҳияти халқлар дўстлиги, тенглик, биродарлик; миллатлараро ҳамжиҳатлик; бошқа миллат вакиллари, уларнинг урф-одатлари, анъаналарига ҳурмат, эҳтиром.

Ватанпарварлик ва байналминаллик тарбиясининг мазмуни ва методлари, уни ташкил қилиш шакллари. Ҳарбий - ватанпарварлик тарбияси. Ватанни ҳимоя қилиш ҳиссини шакллантириш. Ҳарбий Ватанпарварлик тарбиясининг шакллари дарслар, тўғарақлар, клублар, “Ватанпарвар” ўйини ва бошқалар.

Ҳуқуқий тарбия. Ўқувчиларда ҳуқуқий онг ва ҳуқ-атворни шакллантириш фуқаролик тарбиясининг таркибий қисми сифатида. Ҳуқуқнинг ижтимоий вазифалари: бошқарувчи, тартибга солувчи, ҳимоя қилувчи, муҳофаза этувчи, тарбиявий.

Ҳуқуқий тарбиянинг моҳияти ва тузилиши ҳуқуқий саводхонлик (ҳуқуқий билимлар)- бошланғич ҳуқуқий билимларни эгаллаш; ахлоқий ва сиёсий ҳис-туйғулар, қонунга ҳурмат, фуқаролик шон-шарафини ҳис қилиш, ҳуқуқий тафаккур - ҳуқуқ меъёрлари нуқтаи назаридан кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, феъл-атворини баҳолаш. Ҳуқуқий маданият - ҳуқуқий тарбиянинг асоси сифатида. Ҳуқуқий маданиятнинг тузилиши, ҳуқуқий меъёрларни билиш, улардан фойдаланиш кўникмаси.

Ҳуқуқий тарбиянинг мазмуни, методлари ва ташкилий шакллари.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти.

14. Мехнат тарбияси. Шахсни камол топтириш жараёнида мехнат тарбиясининг мақсади ва вазифалари. Шарқ мутафаккирлари мехнат тарбияси ҳақида. Жаҳон иқтисодий инкирозининг таълим-тарбияга таъсири. (Биринчи президент И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари бўйича. – Т.: 2009 йил.). Мехнатнинг моҳияти ва вазифалари. Мехнат қилиш онгнинг бош вазифаси, одамларда онгли мехнатқаш, мулкдорлик психологиясини шакллантириш.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида таълим муассасаларида мехнат тарбияси тизими ва унинг мазмуни. Мехнат фаолиятининг асосий турлари: ўқув мехнати, ижтимоий фойдали мехнат, ўз-ўзига хизмат қилиш мехнати, ишлаб чиқариш мехнати.

Бозор муносабатларини ривожлантириш ва иқтисодий ислохотлар шароитида иқтисодий тарбия вазифалари, методлари ва мазмуни.

15. Ўқувчиларни юксак маънавий-ахлоқий тарбиялаш. Ахлоқ - ижтимоий онг, таъсир кўрсатиш ва тарбиялаш шакли сифатида. Шарқ мутафаккирлари (Фаробий, Беруний, ибн Сино, Навоий, Абдулла Авлоний ва бошқалар)нинг маънавий-ахлоқий гоялари, ҳозирги кунда шахсни маънавий-ахлоқий камол топтириш ва шакллантиришда уларнинг аҳамияти.

Биринчи президент И.А. Каримов асарларида шахсни юксак маънавий-ахлоқий ривожлантириш ва шакллантиришнинг асосий тамойиллари; умуминсоний кадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши, ватанпарварлик. Биринчи президент И.А. Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» (Т., 2008 й.) асарида маънавий-маърифий гоялар.

Маънавий-ахлоқий тарбия мезонлари. Педагогик қаровсиз қолган ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўқувчи-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш. Жинсий тарбия.

16. Нафосат тарбияси. Нафосат тарбиясининг мақсад ва вазифалари. Мактабда нафосат тарбиясининг мазмуни, шакл ва методлари. Нафосат тарбиясида умуминсоний ва миллий, маънавий кадриятлардан фойдаланиш.

Таълим жараёнида нафосат тарбияси. Санъат асарлари, дунё ва миллий маданият, тарихий ва меъморий ёдгорликларни, Ватан табиати бойликларини кадрлаш ва авайлаб асраш кўникмаларини шакллантириш.

Ёшларнинг нафосат тарбиясида салбий ҳолатларнинг олдини олиш (ёшлар орасига маънавий жиҳатдан савиясиз санъат асарларининг кириб келишига йўл қўймаслик).

Жисмоний тарбия. Шахсининг ҳар томонлама камол топишида жисмоний тарбиянинг ўрни ва вазифалари ҳақида. Жисмоний тарбия концепцияси (1992). Шарқ мутафаккирлари жисмоний тарбия ҳақида. Ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбиялашнинг комплекс дастури.

Жисмоний тарбиянинг чақирикқача ҳарбий тайёргарлик билан боғлиқлиги. Жисмоний тарбиянинг ташкилий шакллари. Жисмоний тарбия машғулотлари, жисмоний тарбия ва спорт секциялари. Оммавий байрамлар. Мусобақалар. Туризм. Спартакиадалар. Ўқувчи-ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш ва чиниктиришда табиий омиллардан фойдаланиш. Ўқувчи-ёшлар спорт мажмуаларининг ўзига хос хусусиятлари.

Ўқувчилар гигиенаси муаммолари. Ўқувчи-ёшларнинг турмуши, меҳнати, дам олишининг кун тартиби, ўқувчиларнинг ўзини ўзи жисмоний чиниктиришни тарбиялашга рағбат уйғотиш.

Оилада болаларнинг жисмоний тарбияси. Улар тарбиясининг жинсий ва ахлоқий-эстетик жиҳатлари.

Ўқувчи-ёшларни қашандачилик ва алкоғолизмга нафрат руҳида тарбиялашнинг жисмоний ва ахлоқий жиҳатлари.

17. Оилада тарбия асослари. Жамият таракқиётининг турли даврларида оила тарбиясининг концептуал асослари; умуминсоний кадриятлар, шунингдек, тўғрилиқ, орномус, кадр-қиммат, меҳр-шавқат, инсонпарварлик ва меҳнатсеварлик, яхшиликка-яхшилик

билан жавоб қайтара олиш каби фазилатларни шакллантириш. Оила ва унинг тарбиявий вазифалари. Оиланинг hozirgi даврдаги муаммолари. Оила аъзоларининг ахлоқий муносабатлари. Оила тарбиясининг ҳуқуқий асослари. Давлат ва ҳукуматнинг оилани мустаҳкамлашга ғамхўрлиги. "Оила" илмий-амалий Марказининг вазифалари ва фаолиятининг мазмуни. "Мактаб, оила ва жамоатчилик" Концепциясининг асосий йўналишларида, оила ва жамоатчиликнинг ўзаро алоқадорлиги шакллари.

Шарқ мутафаккирлари Форобий, Беруний, ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний ва бошқалар оила тарбияси ҳақида. Оила тарбиясида умуминсоний ва миллий анъаналардан фойдаланиш.

Оила - умуминсоний кадрият ва жамиятнинг асосий негизи сифатида. Оила - ўзига хос жамоа. Оиланинг турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, фуқаролик етуклиги ва маданий муносабатларнинг тарбия жараёни ва натижаларига таъсири. Оилавий ҳаётни ташкил этиш; оила аъзоларининг кун тартиби, мажбуриятлари.

Оиланинг фарзандлар ўқув фаолиятига ғамхўрлиги. Дам олишни ташкил этиш. Оилада ўқувчиларни тарбиялаш шарт-шароитлари. Болаларни ота-оналар ва катта ёшлиларга ҳурмат руҳида тарбиялаш. Оила тарбияси қоидалари. Оила тарбиясида хатоликлар ва кийинчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари.

18. Таълим муассасаси менежменти. Таълим муассасасида давлат-жамоат бошқарувининг психологик-педагогик асослари.

Таълим муассасасини бошқариш вазифалари ва принциплари. Таълим муассасаси директори ва унинг ўринбосарлари, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

Педагогик жамоа ва унинг иш услубиётлари. Педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш, ёш ўқитувчилар билан ишлаш.

Таълим муассасаларида (академик лицей, касб-хунар коллежлари) ички назорат вазифалари, принциплари, ташкилий шакллари ва методлари.

19. Педагогика тарихи фан ва ўқув предмети сифатида. Унинг мақсад ва вазифалари. Педагогика тарихи фан ва ўқув предмети сифатида. Ўрганиладиган предметнинг мақсади ва вазифалари. Унинг моддий ва маънавий тараққиёт билан боғлиқлиги. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А. Каримов таълим-тарбия жараёнида аждоқлар меросидан самарали фойдаланишнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида. Педагогика тарихини давраштириш муаммолари.

20. Энг қадимги даврлардан VII асргача таълим-тарбия ва педагогик фикрлар.

Энг қадимги ёдгорликларда инсон тарбиясига оид фикрлар. Қадимги даврларда тарбиянинг келиб чиқиши ва унинг кишиларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқлиги. Ибтидоий одамлар ҳаётида тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари. Фольклор намуналарида оғзаки таълим усуллариининг ифодаланиши. Қадимги афсоналар, қўшиқлар, "Ўғитнома"ларда ахлоқ-одоб, таълим-тарбияга оид масалаларнинг ифодаланиши. Қадимги давлатлар Сўғдиёна, Бактрия ва Хоразмда таълим-тарбиянинг ривожланиши. Мазкур давлатларда педагогик фикрларнинг пайдо бўлиши.

Энг қадимги ёзма манбаларда таълим-тарбия масалалари. "Авесто" - энг қадимги маърифий ёдгорлик намунаси. Қадимги "Авесто", хоразм, сўғд, уйгур, туркий-рун ёзувларининг таълим-тарбияни ривожлантиришдаги ўрни. Ўрхун-Энасой обидалари, уларнинг маърифий аҳамияти. Култегин, Билга ҳоқон, Туноқуқ битикларида таълим-тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари. Туркий халқларнинг дастлабки савод мактаблари.

Сомонийлар давлатида ёшларга ҳарбий-жисмоний тарбия бериш. "Ойиннома" - ҳарбий-жисмоний таълим-тарбияга оид дастлабки дидактик асар сифатида.

21. VII асрдан XIV асрнинг биринчи ярмигача тарбия, мактаб ва педагогик фикр тараққиёти.

Ислом дини ёйилишининг таълим-тарбияга таъсири. Мусулмон мактабларида таълим-тарбия мазмуни. Араб тилининг савдо ва маданий алоқалар тилига айланиши.

Қуръоннинг муқаддас фалсафий-ахлоқий асар сифатида ўрганилиши.

Ғаззолий - ислом фалсафаси ва педагогикасининг асосчиси сифатида. “Кимёи саодат” асари ва унинг тарбия тараққиётидаги ўрни. Масжидлар ва улар хузуридаги мактабларда таълим-тарбия. Савод чикариш услугиёти. “Чор китоб” ва “Хафтияк” - дастлабки савод дарсликлари сифатида.

Ҳадис илмининг пайдо бўлиши. Имом Исмоил ал-Бухорий, ат-Термизий ва бошқа муҳаддисларнинг ҳадис илмини яратишдаги хизматлари. Имом ал-Бухорийнинг “Ас-сахих”, “Ал-адаб ал-муфрад” асарларининг инсон маънавий камолотининг таркиб топишидаги ўрни.

Шарқ Уйғониш даври ва унда таълим-тарбиянинг тараққий этиши. Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Синоларнинг умумпедагогик ҳамда дидактик ғоялари.

Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Аҳмад Югнакийларнинг таълимий-ахлоқий қарашлари. Маҳмуд Қошғарий ва унинг “Девони лугатит турк” асари. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”и таълим-тарбияга оид биринчи асар сифатида. Кайковуснинг “Қобуснома” асари. Асарнинг педагогик фикр тараққиётида тутган ўрни.

Аҳмад Югнакий ва унинг “Ҳиббат ул-хақойик” асари.

Ҳунар ўрганишга доир рисолалар ҳақида.

Аҳмад Яссавий “Ҳикматлар”ининг ахлоқий-маърифий аҳамияти. Таълимий-ахлоқий асарларнинг таржима қилиниши.

Шайх Саъдийнинг йирик ахлоқий-фалсафий асари “Гулистон”нинг шахс камолотини таркиб топтиришдаги ўрни.

22. XIV- XVI асрларда тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар.

XIV- XVI асрларда Мовароуннаҳрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар. Ижтимоий ҳаётнинг тарбия, таълим ва педагогик фикр тараққиётига таъсири. Илм-фан, таълим-тарбиянинг раванк топа бориши.

Мовароуннаҳрда Амир Темурнинг марказлашган маҳаллий давлатининг пайдо бўлиши ва унинг илм-маърифатнинг тараққий этишидаги роли.

Мактаб ва мадрасаларда таълим-тарбия хусусиятлари.

Табиий фанларни ўқитишнинг ривожланиши. Улуғбекнинг илм-маърифат соҳасидаги хизматлари ва таълим-тарбия тизими. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илм-маърифат, таълим-тарбия соҳасидаги хизматлари.

Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Давоний, Ҳусайн Воиз Кошифийларнинг таълимий-ахлоқий мероси. Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”, “Маҳбуб ул-қулуб” асарлари. Навоийнинг мактаб ва мадрасаларни ривожлантиришдаги фаолияти. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийнинг ахлоқий қарашлари. Жомийнинг “Тухфатул аҳрор”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарларининг шахс камолотидаги аҳамияти.

Давонийнинг ахлоқий қарашлари. “Ахлоқи Жалолоий” асарининг педагогик фикр тараққиётида тутган ўрни.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ахлоқий қарашлари. “Футувватномаи Султоний” асари ва унинг ахлоқий тарбияда тутган ўрни.

23. XVII асрдан XIX асрнинг ярмигача тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар. XVII- XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро, Қўқон ва Хива хонликларида илм-фан тараққиёти. Хонликларда масжид-мадрасаларнинг бунёдга келиши.

Мадрасаларда “Қуръон”, “Тафсири”, “Одоб ас-солиҳин”, “Сабот ул-ожизин”, “Кимёи саодат”, “Ҳадис”, “Шамойил ул-наби”, “Ҳикмат ул-айн”ларнинг ўрганилиши. Қўқон ва бошқа хонликларда қизлар мактаблари.

Жаҳон Отин Увайсий ва унинг қизлар мактаби. Муҳаммад Содик Қошғарий ва унинг “Одоб ас-солиҳин” асари. Кайковуснинг “Қобуснома”, Саъдийнинг “Гулистон” каби маърифий асарларининг туркий тилга таржима қилиниши.

Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” асарида одоб-ахлоқ масалалари.

24. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида тарбия ва педагогик фикрлар. Туркистон ўлкасида ислом-диний тарбиявий муассасаларнинг анъанавий тизими.

Туркистонда чоризм мактаб сиёсатининг бошланиши. Мусулмон мактабларига бўлган салбий муносабат.

Туркистон ўлкасида педагогик фикрларнинг пайдо бўлиши. Сиддикий, Шакурий, Авлоний, Бехбудий ва бошқаларнинг мактаб ва маорифнинг ривожлантиришдаги хизматлари.

Туркистонда жадидчилик ҳаракати. Янги усул мактабларининг пайдо бўлиши. И.Гаспирали фаолияти. Мунаввар Қори, Авлоний, Шакурий, Бехбудийларнинг янги усул мактабларини ташкил этиш борасидаги фаолияти. Саид Расул Саид Азизовнинг “Устоди аввал” дарслиги.

Абдулла Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарида таълим-тарбия тизими. Фитрат фаолияти ва миллий педагогик мероси.

25. 1917-1990 йилларда Ўзбекистонда мактаб ва педагогика фани. 1917 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилингунга қадар бўлган даврда Ўзбекистонда халқ таълими ва педагогика фанида турғунлик. 70 йил давомида халқ таълимида адолатсиз миллий сиёсатнинг амалга оширилиши.

Халқ маорифи соҳасида мактаб дарсликлари ва ўқув қўлланмаларининг яратилиши. Таълим-тарбия жараёнининг мустабид тузум мақсадига мувофиқ ташкил этилиши ва унинг салбий оқибатлари.

Ўзбекистон маърифатпарварлари Шакурий, Бехбудий, Абдулла Авлоний, Фитрат ва бошқаларнинг илмий-педагогик меросининг ўрганилиши.

26. Мустақил Ўзбекистон Республикасида таълим тизими ва педагогик фикр тараққиёти. Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг эълон қилиниши ва таълим тизимидаги ислохотлар. Миллий мактабни ташкил этиш муаммолари. “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”.

Педагогик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари. Ўзбек халқининг маърифий қадриятларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А. Каримов таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар ва баркамол авлод тарбияси ҳақида. Биринчи президент И.А. Каримов асарларида баркамол авлод тарбияси ва таълим-тарбияни ислоҳ этиш ғоялари.

27. Жаҳон педагогика фани ривожланиши тарихининг баёни. Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим-тарбия. Қадимги Шарқ давлатларида ва Юнонистонда педагогик фикрларнинг пайдо бўлиши.

Қадимги Юнонистон (Спарта, Афина) давлатларида тарбия ва таълим тизими. Қадимги юнон файласуфлари (Сукрот, Афлогун, Арасту ва Демокрит) таълимотида тарбия масалалари.

Ғарбий Европа мамлакатларида таълим-тарбия. Я.А. Коменскийнинг педагогик тизими. Унинг педагогика фани тараққиётидаги аҳамияти.

Рус педагог олимларининг педагогик ғоялари. К.Д. Ушинскийнинг педагогик мероси. XIX аср ва XX аср бошларида Ғарбий Европа, АҚШ, Россияда педагогик илохотлар ва унинг асосий оқимлари.

Жаҳон мамлакатларида педагогиканинг фан сифатида ривожланиши.

28. Ҳозирги даврда жаҳон ривожланган мамлакатларида халқ таълими ва педагогика фани.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда таълим тизими ва мактабларда таълим-тарбия амалиёти.

Жаҳон мамлакатларидаги замонавий-ижтимоий билимлар тизимида педагогика фани ва унинг асосий омиллари.

АҚШ, Япония, Англия, Туркия, Жанубий Кореяда таълим ва тарбия тизими, мазмуни ва тараққиёти.

29. Математик моделлаштириш масалалари. Математик моделлаштириш ва математик статистиканинг фундаментал масалалари ва методик таъминоти. Компьютер ва математик моделлаштириш асослари ва унинг ўзига хослиги. Ҳисоблаш экспериментларини

шакллантириш ва ташкил этиш усулари. Математик моддаллаштириш ва ҳисоблашда лойиҳалаш усуллари. Математик моделлаштиришнинг асосий принциплари ва классификацияси. Компьютер диагностикаси ва имтиациясининг назарий ва амалий асослари. Эҳтимоллар назарияси. Статистикада танлов усули. Педагогик тадқиқотлар формуласи. Педагогик статистиканинг асосий параметрлари.

ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ТАЪЛИМДА МЕНЕЖМЕНТ МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА МАЛАКАВИЙ ИМТИҲОН САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида таълим тизими ислоҳ қилиш йўллари.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштиришга оид белгиланган вазифларнинг моҳияти.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қароридан педагогика соҳасини ривожлантиришга оид вазифларнинг таснифи.
4. Жаҳон иқтисодий инкирозининг таълим-тарбияга таъсири. (Биринчи президент И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари бўйича. – Т.: 2009 йил.)
5. Жаҳон молиявий иқтисодий инкирози шароитида ижтимоий-гуманитар соҳалардаги ислохотларнинг пировард натижалари нималардан иборат (Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январь куни бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” маърузаси асосида).
6. Педагогика – ижтимоий фан ва унинг жамият тараққиётида тугган ўрни. Ҳозирги шароитда педагогика фани олдида турган долзарб муоммалар.
7. Абу Али ибн Сино ва Абу Райхон Бериунийларнинг умумпедагогик ҳамда дидактик ғоялари.
8. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов баркамол авлод тарбияси ҳақида.
9. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари (XI аср) таълим-тарбияга оид биринчи, маърифий асар сифатида.
10. XXI асарда педагогика фани (муаммолар, ечимлар).
11. Мактаб ички назорати.
12. Тестлар ва улар қўллаш имкониятлари.
13. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни (1997)да таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий принциплари.
14. Педагогика фанининг методологик муаммолари.
15. Я.А. Коменскийнинг “Буюк дидактика” асарининг педагогик фикр тараққиётида тугган ўрни.
16. Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни асосида (1997).
17. Ўқувчи шахси тарбия объекти ва субъекти сифатида. Шахс ривожланишининг асосий омиллари.
18. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-Ҳақойиқ” асарида таълимий-ахлоқий фикрлар.
19. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А. Каримов мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари ҳақида.
20. Педагогик тадқиқотлар йўналишлар ва натижалар.

21. Олий таълим муассасаси ходимлари аттестациясига қўйиладиган талаблар.
22. Таълим жараёни ҳақида тушунча ҳамда унинг икки томонлама хусусияти. Таълим жараёнида билиш фаолиятининг босқичлари: идрок қилиш, фаҳмлаб олиш, тушуниш ва умумлаштириш, мустаҳкамлаш ва амалда қўллаш.
23. Халқ оғзаки ижоди – ўзбек халқ педагогикасининг асоси.
24. Олий таълим соҳасини бошқарувининг демократик тамойиллари.
25. Давонийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари.
26. Олий таълимнинг бакалавриат босқичида талабанинг ўзлаштириши зарур бўлган мажбурий фанлар блоклари.
27. Халқ педагогикаси ва унинг таълим-тарбияда тутган ўрни.
28. Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида таълимий-ахлоқий масалалар.
29. Олий таълимнинг магистратура босқичида магистрнинг ўзлаштириши зарур бўлган мажбурий таълим.
30. Академий лицей ва касб-хунар коллежларида таълим-тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари.
31. Амир Темурнинг Моварауннахр илм-фан тараққиётида тутган ўрни.
32. Таълим сифати ва унга ижобий таъсир этадиган омиллар.
33. Эстетик тарбия мазмуни, мақсади ва вазифалари.
34. “Авесто”да таълим-тарбия масалалари.
35. Ўзбекистон Республикаси Конситуциясида таълим-тарбиянинг қонуний асослари.
36. Диннинг тарбиявий аҳамияти ва ақидапарастликнинг олдини олиш.
37. А.Навоийнинг таълим-ахлоқий қарашлари.
38. Таълим методлари ва воситалари, ҳақида тушунча ҳамда уларнинг таснифи. Билим, кўникма ва малакаларни баҳолашда рейтинг тизими.
39. Ёшларда ижодкорликни шакиллантириш.
40. Мирзо Улуғбекнинг мактаб ислоҳати.
41. Дидактика ҳақида тушунча, унинг мақсад ва вазифалари.
42. Замонавий дидактик тизимлар тўғрисида тушунча.
43. Таълимнинг анъанавий синф-дарс шакли. Таълим самарадорлигини ошириш омиллари.
44. Хусайин Воиз Кошифийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари.
45. Ўқитиш воситалари ва улардан фойдаланиш.
46. Меҳнат тарбияси: мазмуни, вазифаси, методлари, касбга йўллаш усуллари.
47. К.Д. Ушинскийнинг педагогик тизими.
48. Ўқитиш сифатини назорат қилиш.
49. Рейтинг назорат тизимида ЭХМдан фойдаланиш.
50. Я.А. Коменскийнинг “Буюк дидактика” асари ва унинг педагогика фанида тутган ўрни.
51. Тарбия тамойиллари ва методлари.
52. Умуминсоний ва миллий кадриятлар ҳамда уларнинг шахс тарбиясидаги ўрни.
53. Ўқитувчининг касб маҳорати ва унга қўйиладиган талаблар.
54. Туркистонда – аёллар таълими тизими (Жаҳон Отин Увайсий, Дилшод Отин ва Анбар Отинларнинг кизлар мактаби).
55. Таълим мазмуни (Ўқув режаси, дастури, дарслик).
56. Дистервег дидактикасида ривожлантирувчи таълим.
57. Бобурнинг “Бобурнома” асарининг илм-фан тараққиётида тутган ўрни.
58. Синф раҳбарининг тарбиявий ишлари.
59. Таълим методлари ва унинг тавсифи. Таълим методларини такомиллаштириш муаммолари.
60. Нақшбандия таълимоти ва унинг таълим-тарбиядаги аҳамияти.

61. Шахс ва мактаб жамоаси. Шахсни жамоада тарбиялаш.
 62. Тарбияда миллий ва умуминсоний кадриятлар.
 63. Абдурахон Жомийнинг маърифий-ахлоқий қарашлари.
 64. Ўқувчиларнинг ижтимоий функциялари. Унинг тарихий ривожланиши.
 65. Саъдийнинг “Тулистон” асарида маънавий-ахлоқий тарбия.
 66. Мустақиллик мафкураси ва тарбия масалалари.
 67. Фуқоралик тарбияси ва унинг мазмуни.
 68. Абу Райҳон Берунийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари.
 69. Ўқувчиларни иқтисодий тарбиялаш. Унинг мазмуни, шакл ва методлари.
 70. Оилада бола тарбияси. Ибн Сино, А.Навоий ва бошқа донишмандлар оила тарбияси ҳақида. Оила анъаналари тарбия сифатида.
 71. Ал-Хоразмий илмий-билиш методлари ҳақида.
 72. Мактаб ички назорати.
 73. Педагогика фани таракқиётида миллийлик ва умуминсоний кадриятларнинг ўрни.
 74. Шақурий ва Бехбудийларнинг таълим-тарбия тарихида тутган ўрни.
 75. Таълимни программалаштириш ва компьютерлаштириш.
 76. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ва уларни ташкил этиш методикаси.
 77. Абдулла Авлонийнинг янги усул мактаблари.
 78. Таълимни ташкил қилишнинг ноанъанавий шакллари.
 79. Ўрхун-Энасой ёдгорликларида таълим-тарбия масалалари.
 80. Ҳозирги замон мактабларида таълим мазмуни. Таълим мазмунини белгиловчи ҳужжатларга тасниф. Давлат ўқув режаси, ўқув дастури, дарслик ва бошқалар.
 81. Ҳадис илмининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
 82. Кайковуснинг “Қобуснома” асарида маърифий-ахлоқий масалалар.
 83. Ўрта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ривожланиши ва тарбиялаш хусусиятлари.
 84. Қиёсий педагогиканинг предмети, мақсад ва вазифалари.
 85. Мирзо Улуғбекнинг мактаб ислоҳоти.
 86. Ёш авлод тарбиясида мактаб, оила ва маҳалланинг ҳамкорлиги.
 87. “Авесто”да таълим-тарбия масалалари.
 88. Давлат таълим стандартлари ва уни ҳаётга тадбиқ этиш муаммолари.
 89. Таълимнинг амалий усуллари.
 90. Алишер Навоийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари.
 91. Математик моделлаштириш ва математик статистиканинг фундаментал масалалари ва методик таъминоти.
 92. Компьютер ва математик моделлаштириш асослари ва унинг ўзига хослиги.
 93. Ҳисоблаш экспериментларини шакллантириш ва ташкил этиш усуллари.
 94. Математик моделлаштириш ва ҳисоблашда лойиҳалаш усуллари.
 95. Математик моделлаштиришнинг асосий принциплари ва классификацияси.
 96. Компьютер диагностикаси ва имтиациясининг назарий ва амалий асослари.
 97. Эҳтимоллар назарияси. Статистикада таълим усули.
 98. Математик моделлаштиришда статистик гипотезаларни текшириш назарияси.
- Фишер критерияси.

Баҳолаш мезони

Энг юқори балл – 100 балл.

Саралаш балл – 56 балл

56 баллдан – 70 баллгача (70 – 55%) – қониқарли

71 баллдан – 85 баллгача (71 – 85,9%) – яхши

86 баллдан – 100 баллгача (86 – 100%) – аъло

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”// “Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”.-Т.:Шарқ, 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ, 1997.
4. Баркамол авлод орзуси. - Т.: Шарқ, 1999.
5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқорози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: “Ўзбекистон”, 2009.- 56 б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч.-Т.: Маънавият, -2008. – 176 б.
7. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Халқ сўзи газетаси. 2010 йил 28 январь.
8. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Халқ сўзи газетаси. 2010 йил 30 январь.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
10. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори .-Т.: Шарқ, 1997.
11. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: “Ўзбекистон”,1998.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон,1997.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
14. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. -Т.: “Ўзбекистон”,1998.
15. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадими. 8-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
16. Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эқисини бузманг. -Т.: Ўзбекистон, 1993.
17. Каримов И.А. Адолатли жамият сари. -Т.: Ўқитувчи,1998.
18. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
19. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
20. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
21. Hashimov K., Nishonova S. Pedagogika tarixi. – Т.: 2005.
22. Nishonova S. Komil inson tarbiyasi. – Т.: Istiqlol, 2004.
23. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: Ўқитувчи 1993.
24. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т.: Халқ мероси нашриёти. 1993.
25. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. -Т.: Халқ мероси, 1993.
26. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-том. -Т.: Фан,1998.
27. Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб. Асарлар. Ўн беш томлик. 13-том. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1996.
28. Имом Исмоил – ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. /Одоб дурдоналари/. -Т.: Ўзбекистон, 1990.
29. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомеъ ас-сахих. -Т.: Ўзбекистон, 1991.
30. К.Хошимов, С.Нишонова. Педагогика тарихи. II қисм. Дарелик. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Т., 2005.
31. Кайковус. Қобуснома. Т.: “Мерос”, 1992.
32. Куръони Карим. -Т.: Чўлпон, 1993.

33. Мавлонова Р. ва бошқ. Педагогика. -Т.: Ўқитувчи, 2001.
34. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
35. О.Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, Х.Ҳамидов. Педагогика тарихи. Ўқув қўлланма Т., “Ўқитувчи”1997.
36. Педагогика (проф. А.К.Минаваровнинг умумий таҳрири остида). -Т.: Ўқитувчи, 1996.
37. Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм. Педагогика назарияси. Олий ўқув юртлири учун дарслик./ М.Х.Тохтаходжаевнинг умумий таҳрири остида. “Иқтисод-молия”, 2007.-380 б.
38. Педагогика тарихидан хрестоматия. (Тузувчи: О.Ҳасанбоева)Т.: “Ўқитувчи”, 1990.
39. Подласый И.П. Педагогика 1-2 т. -М.: Владос, 1999.
40. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. -Т.: Молия, 2003.
41. Ўзбек педагогикаси анталогияси 1-2 т. (тузувчилар К.Ҳошимов, С.Очил. Ўқитувчи, 1995-2000).
42. Фарберман Б. Илгор педагогик технологиялар. -Т.: Фан, 2000.
43. Ҳасанбоев Ж.Й. ва бошқалар. Педагогика. Ўқув қўлланма.-Т., “Фан”.2006.
44. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж.,Ҳамидов Х. Педагогика тарихи. –Т.: Ғофур Фулом. 2005.
45. Ж.Ҳасанбоев, Х.Туракулов, М.Хайдаров, О.Ҳасанбоева, Н.Усмонов. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Т.: “Fan va texnologiya”, 2009, 672 бет.
46. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (сўзбоши муаллифи Б.Тухлиев) –Т.: Юлдузча, 1990.
47. Самарский А.А., Михайлов А.П. Математическое моделирование: Идеи. Методы. Примеры. –М.: Наука. Физматлит. 1997. –320 с.
48. Ивченко Г.И., Медведев Ю.И. Введение в математическую статистику: Учебник. М.: Издательство ЛКИ, 2010. —600 с.
49. Абдушукуров А.А. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика. Университет, 2010 й., 169 б.

Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти

1. www.tdpu.uz
2. www.pedagog.uz
3. www.edu.uz
4. www.ziyo.edu.uz
5. www.gov.uz
6. www.ziyonet.uz
7. www.istedod.uz
8. www.cer.uz